

Ishonch

2019 йил 19 октябрь • шанба • № 128 (4257)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

СУРХОНДАРЁ – БУЮК МУТАФАККИРЛАР БЕШИГИ, УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ВОҲАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 17-18 октябрь кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, турли соҳа ва тармоқлар мутасаддилари, фаоллар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев худудлардаги ҳолатга танқидий баҳо берди.

– Сиёсатимизнинг мазмуни, мақсади оддий: меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан. Давлат шу меҳнатга, эмин-эркин ишлашга шароит яратиб бериши шарт. Шу мақсадда қарорлар қабул қилинапти, йўналишлар белгилаб берилапти. Лекин куйи тизимда уларни бажарадиган савияли раҳбар кам. Ҳоким тайёрлаш мактабини яратдикми, деган саволга ижобий жавоб йўқ. Соҳа ва тармоқларнинг худудий раҳбарлари «қотиб қолган», – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ўсиш суръатлари вилоятнинг ҳақиқий салоҳияти учун ҳали етарли эмаслигини таъкидлади.

– Жорий йилда вилоятга учинчи бор ташриф буюришимизнинг сабаби Сурхондарё мисолида барча раҳбарларга худудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиб, уларни жадал ри-

вожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва ўсиш нуқталарини аниқлаш ҳамда тўлиқ ишга солишни кўрсатиб беришдир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳар бир вазир, соҳа ҳамда тармоқлар раҳбарларига йил якунига ва келаси йилда Сурхондарё учун нималар қилишни аниқ ёзиб, вилоят ҳокимлигига тақдимот қилиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз Сурхондарё вилояти иқтисодиётининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиб, уни ривожлантириш бўйича муҳим йўналишларни белгилаб берди.

Аввал режалаштирилган лойиҳаларни бажариш билан бирга, келаси йилда амалга ошириладиган, умумий қиймати 13 триллион сўмликдан зиёд янги инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Тўққиз ойда вилоят корхоналари томонидан 125 миллион долларлик экспорт амалга оширилиб, прогноз 104 фоизга бажарилган.

Экспортни кўпайтириш учун «Термиз Карго Центр» логистика маркази худудда эркин савдо зонасини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Бу зонага муайян йўналишлар бўйича визасиз ки-

риш, экспорт-импорт ва транзит юклари учун божхона, карантин ва бошқа хизматларни «Ягона дарча» тамойили асосида амалга ошириш мумкин бўлади.

Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилишни давом эттириш, 2020 йилда Ангор, Қизилқум, Музработ, Термиз ва Шеробод туманларида 40 минг гектарга ингичка толали гўза навларини жойлаштириш зарурлиги қайд этилди. Ер майдонларидан келиб чиқиб, кластерлар томонидан йирик чорвачилик комплекслари ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Вилоятда бир йилда тайёрланадиган 870 минг дондан ортиқ терини қайта ишлайдиган бирорта корхона йўқлиги танқид қилиниб, «Ўзчармсанокат» уюшмаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоят ҳокимлигига замонавий чарм-пойабзал корхоналари ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Муқаддас заминимиз азалдан инсоният тамаддуни, айниқса, ислом дини ва ма-

данияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуг мутафаккирларга бешик бўлган. Хусусан, IX-XII асрларда юртимиздан кўплаб олимлар, муҳаддислар етишиб чиққан. Ана шундай буюк алломалардан бири Абу Исо Муҳаммад Термизийдир.

Абу Исо Муҳаммад Термизий (Имом Термизий) ҳозирги Шеробод туманида милодий 824 йилда дунёга келиб, 892 йилда вафот этган.

Абу Исо Термизий ўндан ортиқ асар яратган. Улар орасида энг машҳури «Сунани Термизий» («Саҳиҳи Термизий») китобиридир. Бу даврда юзлаб муҳаддислар орасида энг юқори мартабага эришган олти улуг имом машҳур ҳадис китобларини ёзган. Бу даврда юзлаб муҳаддислар орасида энг юқори мартабага эришган олти улуг имом машҳур ҳадис китобларини ёзган.

IX аср ҳадис илмининг олтин даври саналади. Бу даврда юзлаб муҳаддислар орасида энг юқори мартабага эришган олти улуг имом машҳур ҳадис китобларини ёзган. Бу даврда юзлаб муҳаддислар орасида энг юқори мартабага эришган олти улуг имом машҳур ҳадис китобларини ёзган. Бу даврда юзлаб муҳаддислар орасида энг юқори мартабага эришган олти улуг имом машҳур ҳадис китобларини ёзган.



Анжуман

Тилшуносликнинг долзарб масалалари

Пойтахтимизда «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Президент маслаҳатчиси Абдуҷаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошев, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Сайид, ЎзФА Ўзбек тили ва фольклори институти директори Низомиддин Маҳмудов ва бошқалар Президентимизнинг жорий йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлганини эътироф этишди. Қарор асосида мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани, ушбу тадбир ҳам шу муносабат билан ташкил этилгани, унда билдирилган тақлифлар асосида келгусида қатор амалий ишлар олиб борилишини алоҳида таъкидлашди.


Тарихимсан, тақдиримсан, келажакимсан – она тилим!

Миллий тафаккурга таҳдидлар

ёхуд савод, савия ва тил софлигига салбий таъсирлар ҳақида

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Маънавий ҳаёт» журнали бош муҳаррири, шоир Эшқобил ШУКУР билан суҳбат

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори барча юртдошларимизнинг дилидаги гап бўлди. Зеро, тил ўзагимиз, ўзлгимиз, бизни миллат сифатида дунёга намоян этиб турган кўзгудир. Қарорда ҳам қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаятган буюк қадрият экани алоҳида эътироф этилгани бежиз эмас.



– Ҳар йили октябрь ойида она тилимиз ҳақида матбуотда ёзамиз, телевидениеда чиқишлар қиламиз, турли тадбирлар ўтказамиз. Бу худди мавсумийга ўх-

шайди. Яъни тил байрами ўтгандан кейин жим бўлиб қоламиз. «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинаётган пайтда зиёлиларимиз бир мушт бўлиб бирлашган эди. Орадан ўттиз йил ўтди, лекин миллий тилимиз мавқеини ҳали-ҳамон кўнгилдагидек деб айта олмаيمиз. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Давлатимиз раҳбарининг ушбу санани кенг нишонлаш ҳақидаги қарори замирида «тилимизга бўлган эътибор сусайиб кетган, бунга кўз юмиб бўлмайди, вақтида олдини олиш лозим», деган бир дард ўз аксини топган.

– Дарҳақиқат, 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган бўлса, орадан 30 йил муддат ўтди. Ва ниҳоят, жорий йилнинг 4 октябрдаги тарихий қарорда шу Ватан, шу тупроқда истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз кўнглидаги гаплар ўз аксини топди.



Инсонда она битта бўлгани каби, она тили ҳам ягона бўлади. Ҳар ким инсон, Ватан туншунчасини илк бор она тилида англайди, уйғунлик ва хотиржамлик бағишловчи аллани ҳам айнан шу тилда эштади. Шунинг учун бўлса керак, тил, миллат, Ватан туншунчалари доимо ёнма-ён.

Тил – миллат ДНКсидир

Мана ўттиз йилдирки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганини нишонлаймиз. Турли-туман баннерлар чиқарамиз, саноксиз тадбирлар, концертлар ўтказамиз. Тилни қадрлаш ҳақидаги шiorлардан олам-олам фахр-ифтихор туямиз. Ойнаи жаҳонда кўрсатувлар тайёрлаймиз.

Хўш, бу ҳаракатларимиз қанчалик аҳамият касб этапти? Тилимиз ривожини учун нималар қилдик ва яна нималар қилишимиз керак. Шу каби саволларга сиёсий фанлар номзоди, Халқаро пресс-клуб раиси, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ билан жавоб изладик.



Сайфулла АХМЕДОВ, Тошкент шаҳар касба уюшма таъкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси – Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари

Ҳаётбахш ислоҳотлар йўлида

ЯНГИЛАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ

«Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шундай мезон асосида юзага чиқмоқда

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, янгиланишлар, табиийки, касба уюшмалари фаолиятини ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ушбу масаланинг амалдаги кўриниши десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз.

Матълумки, «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқ ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун 1992 йилда қабул қилинган бўлиб, бугунги давр талабларига, тезкор ўзгаришларга етарли даражада жавоб беролмай қолгани ҳеч кимга сир эмас. Касба уюшмалари ҳақида сўз борлигини, энг аввало, кўз ўнгимизда ти-

зимнинг пойдевори ҳисобланмиш бошланғич таъкилотлар гавдаланади. Тан олиш лозимки, уларни ташкил қилиш масаласи амалдаги қонунда ўз ифодасини топмаган эди. Янги қонун лойиҳасидан келиб чиққан ҳолда фикрлайдиган бўлсак, бундан буён бошланғич таъкилотлар фаолиятида уларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва мажбуриятлари янада кенгайди.



Мулоқотлар мундарижани янада бойитади

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Гулистон шаҳрида ташкил этилган Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ўғил-қизларга таълим беришни бошлади.

Жойларда ўтказилаётган матбуот кунлари муносабати билан тахририятимиз жамоаси ушбу мактабда бўлди.

Бизга ҳамроҳлик қилган Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот маслаҳатчиси Давут Гази Бенли, таълим бўйича маслаҳатчи Али Эюпқоча мактаб таълим жараёни билан танишиб, ўқувчиларнинг бадиий чиқишларини юқори баҳолади.

Давут Гази Бенлининг ўзбек тилини яхши билиши, ўзбек матбуотини кузатиб бориши, айниқса, «Ishonch»га обуна бўлгани тўғрисидаги илқ фикрлар тахририят жамоаси ва муштарийларини мамнун қилди.

Шу кун тахририят жамоаси вилоят журналистлари, газета тарқатувчилар, касба уюшма фаоллари ва муштарийлар билан юзма-юз мулоқотда бўлдилар.

– Ўтган вақт ичида га-

зетамиз саҳифаларида кўплаб танқидий материаллар берилди. Аҳамиятлиси, уларнинг аксариятига ижобий жавоб олинди, – дейди «Ishonch» ва «Ishonch - Doverie» газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов. – Сўнгги йилларда тахририятга аҳоли томонидан турли мазмундаги мурожаатлар сони кўпайгани одамлар газетамизни ўқиётгани, бизга ишонч билдираётганини исботламоқда. Юзма-юз мулоқотлар, ўйлашимизки, газета мазмун-мундарижасини белгилаб олиш билан бирга, мавзулар доирасини кенгайтиришга хизмат қилади.

СУРХОНДАРЁ – БУЮК МУТАФАККИРЛАР БЕШИГИ, УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ВОҲАСИ

41 Шу пайтгача Имом Термизийнинг ҳаёти деярли ўрганилмаган. Кейинги йилларда миллий-диний қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, алломуллоларимиз меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялашга қаратилаётган юксак эътибор туфайли аллома бобомиз мероси ҳам қадр топди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан икки йил аввал Шеробод туманидаги ул зот мангу кўним топган зиёратгоҳда улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада зиёратчиларга барча шароит яратилган муҳташам мажмуа барпо этилди.

Президентимизнинг 2017 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қарор асосида Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази қад ростлади. Марказда ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳияти, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асослари, Имом Термизий ва термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар мероси чуқур ўрганилади, ёзма манбалари тизимли асосда тадқиқ этилади. Улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланишга қаратилган дарслик ва ўқув

қўлланмалари, оммабон нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари марказга ташриф буюриб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Буюк муҳаддис Имом Термизий ҳаёти ва асарларини чуқур ўрганиш, ёш авлодга етказиш, халқимизга тушунарли тилда китоблар чоп этиш бўйича тавсиялар берди. Бу ерда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муносиб шароит яратиш, олимларнинг халқаро илмий конференцияларда иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу марказда тадқиқотчиларга барча шароит яратилган. Марказ ёнида Ҳақим ат-Термизий номидаги жомеъ масжиди барпо этилган.

Юртимизда «Жаҳолатга қарши – маърифат» шиори асосида амалга оширилаётган эзгу ишларга ҳамроҳ қад ростлаган марказ алломуллоларимиз меросини илмий назардан ўрганишда муҳим қадам бўлди.

Марказга ёш тадқиқотчилар, салоҳиятли олимларни жалб қилиш, термизийларнинг дунё бўйлаб тарқаб кетган асарлари нусхаларини олиб келиб тадқиқ этиш муассасасининг муҳим вазифаси бўлиши кераклиги таъкидланди.

Шу ерда Султон Саодат мажмуасини реконструкция қилиш, унинг ҳудудида масжид, автомобиллар турар жойи ва мажмуага келаверишдаги йўл бўйида намунавий уйлар барпо этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Термиз шаҳридаги пиллани қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Сурхон ипаги» корхонасида бўлди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда пиллачилик ривожланмоқда. Ипак қуртидан тўрт, баъзи ҳудудларда беш мартагача ҳосил йиғиш йўлга қўйилди. Ипақдан қимматбаҳо мато, гилам ва бошқа жиҳозлар ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналар ташкил этилмоқда, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳисобига тармоқда экспорт ҳажми ортмоқда.

Сурхондарё вилояти ана шундай ҳудудлардан бири. Бир йил илгари Президент Термиз туманида бўлиб, пилла уруғчилиги кластери билан танишган эди. Бугун вилоятда ана шундай кластерлар иккита, йил охиригача яна учтаси ишга туширилади. Натижада пиллани замонавий, инновацион усулда етиштириш миқдори ошади, иш ўринлари кўпаяди.

Президент «Сурхон ипаги» корхонаси имкониятлари билан танишиш чоғида ипақчилик туризмнинг тарғиб қилувчи бундай жойларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Корхонага пиллани қайта ишлаш, хомашени йиғириш, ипак момиғи ишлаб чиқариш учун замонавий технологиялар Хитойдан келтирилган, сифат назоратини олиб бориш, ипақдан жаҳон андозасига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида хориждан мутахассислар жалб этилган.

Вилоятнинг қатор туманлари «Сурхон ипаги» корхонасига кластер усулида пилла етиштириш бўйича бириктирилган. Ипак қурти боқиш учун озуқа базаси яратиш, иқлимга мос тут қўчатлари парвариш, йилига тўрт

марта ипак қурти боқиш имконини берувчи пиллахоналар қуриш йўлга қўйилган.

Бугунги кунда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда ипак қурти озуқа базаси тут қўчатлари етиштиришдан бошлаб, тайёр ипак ҳолигача ишлаб чиқариш мукамал ҳолатга етказилди. Энди ипак толасидан сифатли ипак матолар ишлаб чиқариш ва уларга гул босиш жараёни ўзлаштирилмоқда.

Айни пайтгача ўзбек ипак толасининг 80 фоизи хорижга экспорт қилиниб, фақатгина 20 фоизи маҳаллий корхоналарда қайта ишланар эди. «Сурхон ипаги» каби корхоналар ҳисобига бу кўрсаткич муттасил ошириб борилади.

Корхонада маҳсулот чиқаришдан ташқари сердарomad ва харидорларни кўпайтиришдан янги тажрибалар ҳақида ҳам Президентга маълумот берилди. Шулардан бири – туризмни ривожлантириш. Корхона вилоятнинг сайёҳлик йўналишига киритилган ва бу ерда музей ташкил қилинган. Келажакда сайёҳларни янада кўпайтириш мақсадида Термизда ипақдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган хунармандлик маркази ташкил этилмоқда. Махсус шоурум ва ипак матолардан кийим тайёрлаш цехи фаолият юритаётир.

Ипак маҳсулотлар Осиё ва Европа давлатларига етказиб берилмоқда. Ҳақиқатан 2 миллион 873 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Шу ерда ипақчиликни ривожлантириш лойиҳалари, вилоятнинг туризм

салоҳияти ва уни ривожлантиришнинг қўшимча имкониятлари ҳақида маълумот берилди.

– Гиламларга нақш солиб тўқиш – ноёб санъат. Буни ҳар ким удалай олмайди. Нақшларга миллий руҳ киритиб, харидорларни жалб этадиган ранглардан фойдаланиш керак. Бу бутун дунё учун Ўзбекистон бренди бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Термиз шаҳридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Сурхондарё вилояти бошқармаси фаолияти билан танишди.

Ўтган йили фойдаланишга топширилган уч қаватли бинода вилоят ва Термиз шаҳар «Оила» марказлари, «Оила» кутубхонаси фаолият юритади, ўқув заллари, фуқароларни қабул қилиш хонаси мавжуд. Шунингдек, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди вилоят бўлими, «Барқарор ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, Омбудсманнинг вилоят бўлими ва бошқа жамоат ташкилотларига ҳам хоналар ажратилган. Бу уларнинг марказ билан яқин ҳамкорликда ишлашида муҳим ўрин тутмоқда.

«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармасининг маъмурияти учинчи қаватда жойлашган. Хоналар замонавий жиҳозланган. Марказ қошида махсус ўқув курслари ҳам ташкил этилган.

Вилоятда 600 мингга яқин оила мавжуд. Уларнинг 149 мингдан зиёди ёш оилалардир. Марказ ходимлари «Соғлом оила – соғлом жамият» концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, ажримларнинг олдини олишга

алоҳида эътибор қаратмоқда. Оилавий муносабатлар ва муаммолар бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари оила қадриятларини ўғил-қизларга ёшлик чоғидан тўғри тушунтириш, ҳозирги оилавий муаммолар бўйича илмий ишлар қилиб, ҳаётга татбиқ этиш, хотин-қизлар билан ишлайдиган мутахассисларнинг билимини ошириш зарурлигини таъкидлади. Асл миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлодга ва расм-русумлар пайдо бўлиши сабабларини тушунтириб, ёшлар онгига улардан ҳимоя қилиш юзасидан тавсиялар берди.

Шу ерда Вазирил Маҳкамаси ҳузуридagi «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, хотин-қизларни касбга қайта тайёрлаш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз оилаларни илмий тадқиқ этишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одатлари ва қадриятларини эътиборга олиш зарурлигини қайд этди. Оила муносабатларига оид илмий ишларни ҳаётий мисолларга асосланиб олиб бориш зарурлигини таъкидлади.

– Оиланинг муқаддас кўрғон эканини кенг тарғиб қилишда олимлар, ёзувчи-шоирлар, умуман, зиёли қатламни жалб этиш ва бу ҳаракатдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи якунланди.

ЎЗА

Ҳаётбахш ислохотлар йўлида



ЯНГИЛАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шундай мезон асосида юзага чиқмоқда

41 Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётган пайтда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан бугунги кундаги фаолиятга ҳолисона баҳо бериш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида сўровнома ўтказилди. Натижа ҳақиқатдан ҳам бошланғич касаба уюшма ташкилотларига бўлган эътиборни кучайтириш, улардаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга зарурат туғилганлигини кўрсатди. Хусусан, давра сўхбатлари, семинар-тренинглари кўпроқ ўтказиш зарурлиги ҳақида қимматли фикрлар билдирилди. Сўровномада «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан танишингизми?» деган саволга фаолларнинг 79 фоизи «ҳа» деб жавоб берган, қолган 21 фоизи лойиҳа билан танишаётганини маълум қилган. Бу эса қонун лойиҳаси бошланғич ташкилотларда катта қизиқиш уйғотаётганидан далolatдир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз лозимки, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунда касаба уюшмаларининг ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширишда алоҳида ҳуқуқларга эгалиги қайд этилган бўлса-да, бу қонун ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмаган эди. Қонун лойиҳасида касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, кафолатлар, кўшимча имтиёзлар, ҳуқуқий мақом аниқ белги-ланмоқда.

Илгари ижтимоий шерикликни тартибга со-

лиш, уни энг кўйи бўғинларда янги босқичларга кўтариш масаласида қийинчиликлар мавжуд эди. Республика даражасида ижтимоий шериклик янги йўлга қўйилгани ҳолда уни қийин поғонага етказишда анча мураккаб жараёни бошдан кечиришга тўғри келарди. Янги қонун ижтимоий шериклик тамойиллари, унинг механизмлари, хусусиятлари ва ҳуқуқий мақоми аниқ ва равшан белгилаб қўйилгани билан ҳам аҳамиятли-дир.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотини рўйхатдан ўтказишда қандай ҳужжатлар талаб қилинади? Рўйхатдан ўтказиш тартиби қандай? Камида 3 нафар аъзодан иборат бўлса, юридик шахс мақомини олиш шартми ёки йўқ? Юридик шахс мақомисиз ҳам фаолият юритса бўладими? Шу каби саволларга қонун лойиҳасида жавоб топиш мумкин.

Лойиҳада яна бир муҳим жиҳат ўз аксини топган. Бу – ходимларни бахтсиз ҳодисалардан ҳимоялаш комиссияларида бошланғич касаба уюшмаларининг иштироки. Эндиликда меҳнат жамоалари ўз вакиллик органларини шакллантириб, вакилларини мазкур комиссия таркибига киритиш имконига эга бўлади.

Муҳим янгиланган яна бири, бу қонун лойиҳасида меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларида амал қилиниши устидан назоратни таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари инспекциялари ташкил этилиши кўрсатилгандир.

Очиғини айтганда, илгари меҳнат муҳофазаси бўйича иш берувчилар номига тақдимномалар

киритилар, таклиф ва мулоҳазалар берилса-да, уларга муносабат ва эътиборни тўлиқ ижобий деб бўлмади. Уйлашманки, энди буларнинг барчасига барҳам берилди.

Янги қонун лойиҳаси шарофати билан фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш имконияти кенгаётгани ҳам алоҳида таъкидга лойиҳа Амалдаги қонунда «ходимлар касаба уюшмасига бирлашиш ҳуқуқига эга» деб белгилаб қўйилган эди, холос. Лойиҳада бу конституциявий ҳуқуқ даражасида кенгайтирилиб, Ўзбекистон ҳудудида таҳсил олаётган ёки фаолият юритаётган чет эл фуқаролари ҳам касаба уюшмаларига аъзо бўлиши мумкинлиги кўзда тутилган. Бу эса халқаро ҳуқуқ тамойилларига тўлиқ мос келади. Зеро, қонун лойиҳасига киритилган қўшимчалар халқаро ҳуқуқ нормалари ва Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияномаларига уйғун.

Елланми ишчилар, хусусий секторда меҳнат қилаётганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда яқка тартибдаги тадбиркорлар ишлайдиган жойларда, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудлар даражасида касаба уюшмаларини тузиш ва фаолиятини юритиш таъминланади. Амалдаги қонунда корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари тузилиши белгиланган бўлса, келгусида барча иш ўринларида касаба уюшмалари тузиш имкони мавжуд.

Тошкент шаҳрида касаначилик билан шугулланаётган фуқаролар, яқка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорлардан касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳақида кўплаб саволлар тушар эди. Энди бу саволларга ҳам жавоб бор.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 98-сонли конвенциясида касаба уюшмаларининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида иш берувчилар касаба уюшмаси таъсисчи ва сайлаб қўйиладиган органи аъзоси бўла олмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Биз назарда тутаятган ҳужжатда ҳам ушбу жиҳатлар эътиборга олинган. Яъни, қабул қилинадиган янги қонун касаба уюшмаларининг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Тажрибадан келиб чиққан ҳолда шунини айтиш мумкинки, баъзи ҳолларда ишга қираётган ходимга иш берувчи касаба уюшмасига аъзо бўлмаслик ёки аъзолдан чиқиш шартини кўяр эди. Қонун лойиҳасида бу ҳолга барҳам берилган.

Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, касаба уюшмалари бирлашмаларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишдаги ваколатларининг кучайтирилиши муҳим янгиланган бири бўлди. Ҳозирда фақат касаба уюшмалари Федерацияси шундай ваколатга эга эди, келгусида барча касаба уюшмалари бирлашмалари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиши мумкин.

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси амалиётга жорий этилса, ижтимоий-меҳнат соҳасида касаба уюшмалари эркинлигининг ҳуқуқ ва кафолатлари янада мустаҳкамланади. У касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солиш қонунчилиги базаси тақомиллаштиришга, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминлашига, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда қўлай шароит ва кафолатлар яратилишига, касаба уюшмаларининг иш берувчилар, ижро ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабат механизмларининг тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси

Президент ташрифидан сўнг...

Чўлдан гулзорга айланаётган маскан

Бугун Мўйноқ бемисл эътибор, улкан ўзгаришлар, қайноқ ҳаёт оғушида. Барча-барчада келажакка ишонч уйғотган бугунги ислохотлар ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифидан кейин Мўйноқ чинакам қурилиш майдонига, бунёдкорлик масканига айланди.

Жумладан, янгитдан қурилаётган Мўйноқ электр тармоқлари станцияси филиалида шу кунларда таъмирлаш ишлари қизғин. Қисқа фурсатда оламшумул ишлар амалга оширилди. Сим тўсинлар, электр-энергиясини узатиб бериш ускуналари, хуллас, барча техника замонавий. Қурувчилар 3 қаватли бинони тез кунларда фойдаланишга топшириш ҳаракатида.

Бугун Мўйноқда энергетика, саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ўнлаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзланган нутқи мазкур оламшумул ишларга йўл очиб берди. Жаҳон ҳамжамияти эътибори Орол фожиасига қаратилди. 2018-2021 йилларда ҳудудни ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилинди. Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган мажлисда Оролбўйи ҳудуди Экология инновация ва технологиялар маркази деб эълон қилинди. Буларнинг барчаси хайрли мақсад йўлидаги сайёҳ-ҳаракатлар самараси.

– Мен 36 йил тизимда меҳнат қилиб, бунақанги эътиборни, ўзгаришларни кўрмаганман, – деди Багдагул Саекеева. – Бунёдкорлик ишларидан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Касаба уюшмалари ходимларига ҳам минг раҳмат.

Меҳнат фахрийлари ислохотлар бошида турган Президентимизга ўз миннатдорчиликларини билдириб, юртимиз фаровонлиги ҳамда тинчлиги, мустақиллигимиз бардавом бўлиши учун дуога қўл очдилар.

Сафар давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисобидан энг замонавий усулда 200 ўринга мўлжалланган болаларни соғломлаштириш оромгоҳида қурилиш жараёни билан ҳам танишилиб, қурувчилар билан суҳбатлашилди.

13 гектар майдонда қад ростлаётган ушбу оромгоҳда барча қўлайликларга эга маданият ва маърифат маркази, қорақалпоқ ва ўзбек адабиёти билан бир қаторда жаҳон адабиёти дурдоналаридан иборат китоблар захирасига эга замонавий Ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, энг сўнгги рўсумдаги кўргазмали воситалар ва жиҳозлар билан таъминланган тўғарақ хоналари, маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган тантаналар майдони, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи ва махсус иситиш тизимига эга бўлган сузиш ҳавзаси, болалар майдончалари, ётоқхона бинолари, ошхона, ювниши хоналари фойдаланишга топширилди. Бир сўз билан айтганда, жаҳон анданалари талабларига мос равишда барпо этилаётган болаларни соғломлаштириш мажмуаси ўзининг бетакорорлиги билан ажралиб туради.

Ҳа, Мўйноқда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу жараёнда касаба уюшмалари ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Қобилжон ҚИРҒИЗЛИЕВ,
Ўзбекистон энергетика ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгаши раиси

Тарихимсан, тақдиримсан, келажакимсан – она тилим!

Миллий тафаккурга таҳдидлар ёхуд савод, савия ва тил софлигига салбий таъсирлар ҳақида

41 – Очиғини айтганда, тил дунё миқёсидаги катта масала ҳисобланади. Глобаллашуви замонида нафақат баъзи мамлакатлар, балки энг ривожланган давлатлар ҳам бу масалада ташвишга тушиб қолган. Улар имкон даражасида бу муаммони ечиш учун ҳаракат қилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бир йилда камида 25 та тил йўқолиб кетиши мумкин экан. XXI асрда 600 та тилнинг таназзулга юз тутиш хавфи бор. Бу ер юзидаги шунча миллат ва элнинг тақдирини хавф остида дегандир. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўз тилини мана шу талафотлар, таҳдидлар, ҳар хил маънавий хатарлардан омон-эсон олиб ўтса, у миллатини, халқини омон-эсон сақлаган бўлади. Агар бунда муайян пугур ва нуқсонлар бўладиган бўлса, шубҳасиз, миллат ва халқ жабр кўради.

Ўзбек тилининг кечаги ва бугунги авҳалига келсак, олдимизда турган масалалар, бажарилгани лозим бўлган ишлар қилган ишларимиздан ўн ҳисса кўп. Тил – бу миллий масала. Тилга муносабат ҳам миллий бурч саналади. Бу икки-уч кишининг иши эмас, бутун миллатнинг иши. Шунинг учун ҳар биримиз тилимизнинг софлиги, омонлиги ва тараққиётига ҳизмат қилишимиз керак. Бусиз олдимизга қўйган мақсадларга эриша олмаيمиз.

Она тил дегани шунчаки бир тушунча эмас. Она тил – инсоннинг ичидоғи муқаддас туйғу. Бу туйғу онага, юртга бўлган туйғу билан уйғун. Шу ўринда менга кучли таъсир кўрсатган бир воқеани айтиб ўтиш жоиз. Бир аёл уйқусида гапирар экан. Уларни эшитган эри унинг оддий алаҳқираш ёки туҳидидаги гўлбурдаги ухшамаслиги, қандайдир ўз оҳанги борлигини сезиб қолибди. Синчков эр руҳиunosлар билан учрашиб, уларга бу ҳақда айтиб берибди. Улар аёлнинг овозини эшитиб келишни ташинишди. Ёзилган овозни эшитиб кўрган руҳиunosлар ҳақиқатан ҳам оҳанг бошқачалигидан ҳайратга тушибди. Орадан маълум муддат ўтгандан кейин ўша эркакни чақириб, «Хотинингиз испан тилини биладими, уйқусида соф испан тилида равои гопирлатди, дейишибди. Бу тилда бирор сўзниям билмайди, деган жавобни олгач, барчаси ҳайрон қолишибди. Ўрганиб чиқишса, ўша аёлнинг мотомисинг мотомис испан бўлган экан. Бу туйғу юракда бўлгани учун қон сурган.

Шу маънода бирор чет тилини ўрганиш осон иш эмас. Бунинг учун ўша тилнинг қонун-қоидалари, грамматикаси билан танишиш керак. Йўқса, ўрганомайди. Онги шакланмаган гўдак эса тили чиқаятганда грамматикани ҳам, стилистикани ҳам ўрганиши шарт эмас. Ҳаммасини ўзинча жойига қўйиб кетаверади. Нима учун? Чунки бу унинг қониди бор. Боя айтганимдай, унинг фитратиди яшаб келаётган туйғу шунга йўл очиб беради.

– Ҳазрат Навоий тилимизнинг қанчалик бой, дунёдаги тиллар ичида бетакрор эканини кўрсатиб берган. Ўтган асрнинг бошларида Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларида миллий тилимизнинг софлиги ва гўзаллигини намоён қилди. Адиб «Ўзбек тили асло камбағал эмас, уни шундай дегувчиларнинг ўзлари қашшоқ. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар», дея таъкидлаган эди. Бу тилимизнинг қудрати ва тароватига берилган муносиват баҳо эди.

– Илдиларимиз ҳақида яхши сўз очдингиз. Алишер Навоий бобимизнинг «Хамса»сида 52 минг, «Ҳазойин ул-маоний»да эса 45 минг мисра жамланган. Ул зотнинг яна 10 га яқин насрий асарлари бор. Бунинг ўзбек халқи, ўзбек тили учун нақадар катта хизмат эканини ҳар биримиз чуқур ҳис этишимиз керак. Зеро, 52 минг мисрани ёзиш туғул ўқишга, ҳатто варақлаб чиқишга ҳам унча-мунча одам бардод бера олмайдди. Пушкин ёки Шекспир ҳам сўз ишлатиш бўйича Навоийдан ортда туради. Навоий лўғати 30 мингга яқин сўзни қамраб олган. Мана,

ўзбек тилининг бойлиги ва қудрати! Шундай гўзал тилимизни асрашимиз, унинг нақадар бой эканини ёш авлодга кўрсатиб беришимиз лозим. Бу ҳазиналарни шомолга совуриб юбормаслигимиз шарт.

Албатта, Абдулла Қодирий даврида ҳам тил муаммоси бўлган. Абдулла Қодирий, Миртемир, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирозав авлоди тил учун қанчалик жон қўйдирмади дейсиз?.. Улар тилимиз учун катта хизмат қилди. XX асрда улар тилини сақлаб қолиш учун жонини бериб курашди. Битта сўз бўлса ҳам сақлаб қолишга интилишди. У кезлари шароит оғир бўлиб, улар ўзидан ўтганини ўзлари билган.

«Ўткан кунлар»ни ўқиган инсон ўзбек тилининг қандай гўзал, қудратли тил эканини англайди. Бу китоб қалбда, кўнгилда кўмилиб қолган ҳисларни уйғотиб юборади. Бошқача айтганда, кишига инсон эканини тилимизнинг гўзаллиги воситасида эслатади.

– Сўзга, тилга эътиборсизлик матбуотда жуда кўп учрайди. Кейинги йилларда ҳаётимизга катта шиддат билан интернет кириб келди. Иجتимоий тармоқлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса энг оғриқли муаммоларни кўрсатиб берди. Масалан, ёшларнинг иجتимоий тармоқлар ёки телефонда бир-бирига ёзаётган хабарларини кўрсангиз, чидаб бўлмайди. Ҳоҳлаймизми-йўқми, мана шу чала-чулпа ёзилган СМСлар орқали уларнинг диди, фаросати, фикри шаклланибди. Бунинг оқибати нима бўлади? Хатолар-ку чексиз. Беш ҳарфли сўзнинг ўзида учта хато бор. Бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Фарзандларимиз ичида фикрли болалар бор, улар ҳаракат қилиши, бунинг нотўғрилигини кўрсатиб бериши керак.

– Ёки китобларни олайлик. «Сирдоши, Қизим, ишит» номли китобни кўрсангизми, «Бу жаңгарилар билан боғлиқми?», дея ўйлаганим рост. Эътибор берсам, аслида у «Сирдошим – қизим, эшит» экан. Китобнинг номида иккита жиддий хато бор. Эшитни «ишит», қизим эса бош ҳарфда ёзилган, вергул нотўғри қўйилган. Буни ўқиган ёшларимиз китобда шундай ёзилганини, демаски шундай бўлади, деб ўйламаймиди?! Наширётдагилар, муҳаррир қаёққа қараган? Чикқунга қадар уни кимдир тайёрлаган-ку, ахир? Китобни оммага шунақа тарзда тарқатиб бўладими? Афсуски, бунақа «асар»лар жуда кўп.

Китобни унинг савияси, даражаси, бадииятига қараб танлаш ҳам муҳим. Фарзандимиз бирор китобни варақлаётган бўлса, «Болам китоб ўқияпти», деб хурсанд бўламиз. Аммо баъзи китобларнинг салбий таъсир қилишини эса йўлга кўрмаймиз ҳам. Аслида, ёшларни танлаб мутлаа қилишга ўргатишимиз, савия, дид, мафкура нуктаи назаридан эътиборли бўлишимиз лозим.

Одам боласи билимга интилмаса, ҳар қадамда панд ейди. Бу – замон талаби. Иجتимоий тармоқларда «Шошилинч эр сотилади, арзон» деган эълон қанча шов-шувга сабаб бўлгани кўпчиликка яхши маълум. «Ер» демоқчи бўлинган, лекин савод панд берган. Айниқса, кўп обуначига эга бўлган катта-катта сайтларда тил масаласи жуда ачинарли ҳолатда. Катта-катта хатолар бор. Буни миллат тафаккурига салбий таъсир кўрсатадиган ҳодиса, деб қабул қилишимиз керак. Хабарни тезликда оммага эълон қилишимиз деб, танганинг иккинчи томони борлигини унутиб қўяётгандекимиз. Одамга онг остидан таъсир қиладиган усуллар бор. Ҳар кўрганда «Шундай ёзган бўлса, ёзибди-да, нима бўлибди, хато кетди-да», деб ўйласак, энг катта хатога йўл қўйган бўламиз. Ўша хато кишига онг остидан таъсир кўрсатади. Тил оҳанги, қондаси бузиляптими, тил табиатига салбий таъсир кўрсатаяптими, у албатта эшитувчи ёки кузатувчи онгига онг остидан таъсир этади. Илгари бирор китобда «баҳор» сўзидаги «ҳ» «х» бўлиб кетса, наشريётга қанча зарар бўлмасин, тазвир берилад эди. Битта сўзнинг маъсулияти шунча эди. Эндиликда эса бутун бошли китоблар, газеталар, кўрсатувларда хато урчиб ётибди. Бунга нега эътибор қаратмаслигимиз керак? Бу фожиа-ку?!

– Тил – миллатнинг устунни. Аммо бу устунни кўриш учун савия, савод ва дид керак. Тил гўзаллигидан биз уни чуқур тушунганимиз ва ҳўрмат қилганимиздагина завқ оламиз. Афсуски, бугун – тилимиз бой бўлгани ҳолда, сўзлашувада चुқмаллик ва камбағаллик акс этиб турибди.

– Биз тилини Навоий, Қодирий билан

боғлаб гапирдик. Уларнинг лўғатидаги сўзларнинг кўпи истеъмоладан чиқиб кетяпти. Бу ҳақда китоб чиқардим. Бошқалар ҳам изланяпти. Бу кишини хурсанд қилади, албатта. Ташвишга соладигани эса ёшларимизнинг тили кўпроқ «ҳа» ва «йўқ»дан иборат бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тилимиз гўзал иборалар, мақолларга жуда-жуда бой. Қандай қилиб уларни шундайгина унуттишимиз мумкин? Уларсиз тилимизнинг гўзаллиги, охори, қудратини ҳис қилмай қўямиз-ку?! Президентимиз китоб ўқишга қанчалик қаттиқ эътибор қаратаётди. Бу бежиз эмас. Китоб тилини бойилади. Ёшларимиз «Ўткан кунлар»ни ўқисин, ўқиганда ҳам меҳр-муҳаббат билан ўқисин! Қўл телефонидаги бир-икки саҳифани варақлаб ёки киносини кўриб, улардан олган таъсирот билан юрганлар қанча... Кино билан китобнинг омон билан ерча фарқи бор. Фарб файласуфлари «Кино бизни кўришга ўргатади, лекин қарашдан жудо қилиб қўйди», дея бежиз айтишмаган. Китоб берадиган фойдани ҳеч қачон бошқаси билан алмаштириб бўлмайди. У, биринчи навбатда, одамнинг диди, фаросати, фикри, тили ва маданиятини тарбиялайди. Ўқиган одам ўзи билан юзма-юз келади. Ўзини тафтиш қилади. Тилга эътибор ана шу жиҳатлардан бошланади. Бунинг учун эса ёшларимизга сара адабиётларни тавсия қилишимиз, уларни баъзи «эжод» намуналаридан йироқ тутишимиз лозим.

– Эшқобил ака, мана шундай оғриқли масалаларнинг ичига киришимиз лозим. Тилимизни ростдан ҳам таҳдидлар гирдобига тушиб қолмаслигини истайдиган бўлсак, албатта, зиёлиларимиз оёққа туриши, бир мушр бўлиб бирлашиши шарт. Шунча бефарқлик, лоқайдлик, бепарволик қилганимиз етар! Айни кунларда кўпчилик ҳаётнинг моддий тарафларига ўралашиб қолгандек гўё. Атоқли адилларимиздан бири йўл қондасини бузган одам жарима тўлайди-ю тил қондасини бузган одам нима учун жарима тўламайди, деган эди. Бу гап бугун ҳам кун тартибидан тушгани йўқ. Нима учун маънавиятимизни булғашга хизмат қилаётган баъзи китобларни чиқарган одам жавоб бериши керак эмас? Тил ҳақидаги қонун қабул қилинганига 30 йил бўлди, шу даврда ким бу қонунни бузгани учун жавобгарликка тортилди? Афсуски, ҳеч ким. Газетамизда «Навоий кўчаси номини ўзгартириш керак(ми)?» сарлавҳали мақола чоп этдик. Унда миллимизнинг гултожи, ифтихори Навоий номи билан аталувчи кўчада даракларнинг орасида қолиб кетган бобомиз ҳайкалидан бошқа бу номга муносиват бирор белги йўқлиги, ташилот ва дўқонларнинг номи ажнабий тилларда битилгани эди. Дарҳақиқат, нима учун зиёлилар бунга бепарқ қараб туриши керак? Илгари кўчаларда ёзиладиган реклама баннерлардаги ёзувлар ҳам алоҳида комиссияда кўриб чиқилар эди. Ҳозир эса бу ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Иجتимоий тармоқларда ўзини ватанпарвар қилиб кўрсатаётган блогерлар, журналистлар, зиёлиларимиз бор. Битта мавзу кўтарилса, бирдан шунга ёпишади. Қолбуки, зиёлиларимиз мана шундай оғриқли масалаларда тўғри ёндашиб, ҳақиқатни кўрсатиб бериши керак эмасми? Бу, қаловерса, келажак авлод олдидаги бурчимиз ҳам. Агар уларга бугун тўғри йўл кўрсатмасак, бу таҳдид эрта-индин бошимизга келиши тайин.

– Тўғри айтасиз. Тақдиримиз ҳар жиҳатдан ёшлар билан боғлиқ. Уларнинг маънавий даражаси, қарашлари, она тилига муносабати қандай бўлса, Ватанига бўлган муносабати ҳам шундай бўлади. Тил билан Ватан тушунчалари бир-бирига уйғун. Баъзи хусусий телеканаллардаги кўрсатувларнинг 80 фоизи ажнабий тилда номланган. Бунга қандай чидаш мумкин? Бу замонавийликка эмас, нодонликка қиради. Бу тилимизга беписандликдан бошқа нарса эмас. Она тилига беписанд қараш ота-онага беписанд қараш билан баробар-ку?! Ота-онасига беписанд қаратганини халқимиз ҳеч қачон одам ўрнида кўрмаган.

– Шу ўринда халқ таълими тизими ҳам тўхталиб ўтасак. Тил билан боғлиқ масаланинг барчаси ўз-ўзидан таълим билан чамбарчас боғлиқ. Кўп йиллик тажрибадан келиб чиқиб айтганда, ҳоқимликларда ҳам, бошқарув тизими идораларида ҳам бехато ёзадиган одамларни топши анча мушкул. Тил ва адабиёт йўналишини тугатмаган олий маълумотли зиёли-

ларнинг барчасини тўплаб, диктант ёздирсангиз, кўп нарсага ойдинлик киритилади. Ёшлигимизда мактабларда саводимизни пишитиш учун диктант ёздирилган. Афсуски, бугун журналистика факультетини тугатаётган бўлажак матбуотимиз эгалари ҳам бехато ёза олмаяпти.

– Тўғри, газета, нашриёт, иجتимоий тармоқлар, сайтларда бехато ёзадиган муҳаррирларга катта эҳтиёж бор.

Муҳаррирдан, аввало, она тилини яхши билиш, яъни билим талаб қилинади. Бу жуда катта муаммо. Кўриладиган чоралар ҳақида гап кетганда, аввало, одам ўзидан келиб чиқиши керак бўлади. Масалан, кейинги пайтда йўл ҳаракати қоидалари тартиби кучайтирилди. Натижада одамлар светофорни, йўл қодаларини ҳўрмат қиладиган бўлди. Бунинг сабаби жарималар билан боғлиқ. Тилимиз қондасини бузганга ҳам, биринчи навбатда, маънавий, бу натижа бермаса, бошқача чора кўришимиз керак.

– Бу кетишда эртага қонун бузилишини таҳлил қилиб берадиган одам ҳам топши қийин бўлиб қолади, шекилми?..

– Бу борада ҳамма мамлакатларда чора кўрилади. Биргина Латвиядаги давлат тили маркази 2015 йилнинг ўзида тил қонунбузарлиги учун 5751 марта текширув ўтказган ва тегишли чора кўрган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

– Илгари ўзимизда ҳам Атамашунослик кўмитаси ишлаган ва тил борадаги масалаларни тартибга солган. Унга яна зарурат сезиляпти назаримда.

– Юртимизда саводхонликни ошириш, кўча-кўйдаги ёзувлар, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тўғри ёзилганини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт университети қошида ўтган йили «Нейминг» (инглизча – номлаш) лабораторияси иш бошлаган.

– Унинг мақомини кўтариш керак. Шундангина мақсадга эришиш мумкин. Аммо матн савиясининг тушиб кетиши кузатилаётгани ҳам бор гап.

– Кейинги 20, 25 йил ичида тилимизга энг катта салбий таъсир кўрсатган жиҳатлардан бири мактабларимизда иншонинг йўқолиши бўлди. Шу туйғули ёш авлодда тилга бўлган муносабат ўзгарди. Иншо одамнинг дили ва тилини парвариш қилади. Иккинчи даражадаги кўчаларда, дунёқаролини кенгайтиради. Фикрлаши, ўз қаролини баён қилишга ўргатади. Масалан, «Менинг шахрим» деган иншонини ёзаётган бола ўз қаролини, фикри, кечинмаларини ифодалаши, баён қилиб бериши керак. Бу ижодкорликка қиради. Иншонинг йўқолиши, мактаб ўқувчиларида ижодкорлик ҳиссининг камайишига сабаб бўлди. Бу эса тилга таъсир қилди. Ана шунинг учун ҳам мактабларда иншо ёзишни имкон даражасида қўлайтириш, уни кўпроқ ёздирши керак. Ўз қаролинини ифода қилган боланинг тилга, сўзга муносабати ўзгарди.

41 – **Айтингни, Ўзбекистонда ўзбек тилининг қадри қай даражада?**

– Очиғини айтсам, сохта социализм даврининг салбий таъсиридан тўла-тўқис холи бўлганимизча йўқ. Байрамларни яхши кўраимиз. Яхши байрамларимиз ҳам бор. Масалан, Рамазон ҳайити. Лекин, унчага ўттиз кун рўза тутилади ва шу кунга муносиват бўлишга ҳаракат қилинади. Бунда ҳикмат кўп. Лекин 364 кун ўзбек тилига лоқайдлик кўрсатиб, фақат 21 октябрнигина байрам қиладиган бўлсак, бу нотўғри. Ўзбек тилининг ҳақиқий ривожини учун ҳаракат қилганимиз шундан ҳам маълумки, бугун йирик шаҳарларимиздаги рекламаларнинг 80-90 фоизи бошқа тилда. Айнан шунга кўра, биз ўтган давр мобайнида жуда кам иш қилдик, деб ўйлайман. Бу бизнинг фожиамиз. Чунки миллатни миллат қиладиган, уни бошқалардан ажратиб турадиган жиҳати, бу – тил. Бу тахлит «ухлаш» бизга асло ярашмайди. Мен турк халқининг забардаст ўғлини Отатуркнинг гапини кўп эслаймэн: «Ухлаб ётган миллат ё кул бўлиб уйғонади, ёки йўқ бўлиб кетади». Биз шўро даврида ўзбек тилида эмин-эркин гаплаша олмадик, ҳатто, кўчада ҳам, давлат идораларида эса...

Тил – миллат ДНКсидир

– **Тилимиз бу даражада қадрсизланишига ким айбдор деб ўйлайсиз?**

– Кўчадаги сотувчи ёки пистафуруш эмас. Афсуски, тил бўйича масъул одамлар, айрим зиёлиларимиз орасида ўзбек тилининг бошқа тилларга нисбатан лўғавий базаси, тарихи чуқур эмас деб ҳисоблаганлар ҳам кўп бўлган. Алишер Навоий дунёдаги бошқа буюк шоирлар билан таққослаганда 4-5 мингдан кўпроқ сўз ишлатган. Тўғри, бугунги ўзбек тили билан Навоий тили ўртасида фарқ бор. Бу ҳар бир тилда учрайдиган табиий ҳолат.

Яна бир ноҳуш жиҳат шундаки, бизнинг зиёлилар, амалдорлар, пули бор одамлар болаларини ўзбек эмас, бошқа тили мактабга берапти. Бу ўзининг салбий оқибатини кўрсатмай қўймайди. Юрт келажagini ўз тилини билмайдиган ёшларга ишониб бўлар эканми ахир?

– **Бу борада зиёлилар қатлами барча масъулиятни ўз зиммасига олиши керак эмасми? Ҳўш, улар ўзбек тили ривожини учун нималар қилияпти?**

– Эркин Воҳидов қаламига мансуб мана бу сатрларга эътибор қилайлик:

*Менга Пушкин бир жаҳон-у,
Менга Байрон бир жаҳон.
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўкси омон ўзбегим.*

Эркин акада мустабид даврида ҳам руҳ ва ғурур бўлган. Миллатга нисбатан муҳаббат руҳи. Ахир, 28 йилдан буён мустақилмиз. Лекин шу руҳ бизга ҳамон етишмаётгандек..

– **Журналист сифатида нималарни маслаҳат бериасиз?**

– Биз бағрикенг миллатимиз. Лекин бағрикенгликда ҳам чегара бўлиши керак. Эрак аёлини рашк қилгани каби, биз ҳам ўз тилимизни бошқа тиллардан қизганишимиз, унга гард юқтирмамаслигимиз лозим. Америка, Европа давлатларида одамлар одатда кўп тил ўрганмайди. Ёшлар касб, ҳунар ўрганади ва шунинг орқасидан миллионер бўлади. Мен бу билан тил ўрганмаслик керак демоқчи эмасман. Фақат бунга муқкасидан кетмаслик керак. Ўзбек тилини зўр билган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Бошқа тилларни хоҳлаганда ўрганиш мумкин, лекин, аввало, ўз она тилини севиниш ва билиши шарт.

Яна бир муаммо борки, баъзи ота-оналар ўзини суд-ҳўр каби тутди. Боласини банкка қўйилган пулдек кўради. Болама тил ўргатсам, Америкада, Корея, Туркия, Дубайда ўқиб, у ерда ишлаб менга пул жўнатади, деб ўйлайди. Балки бола Ўзбекистонда яшашни, ўзбек таомларини истеъмол қилишни, ўзбек ҳавосидан нафас олишни хоҳлар?! Нега биз боламиз келажагини фақат чет элда кўрпимиз? Унинг тақдирини ўз билгимизча ҳал қилияпти. Бу ўта кетган худбинлик. Мисол қилиб айтганда, менинг ҳаётимда ҳам маълум муддат оғир кунлар бўлган. Лекин Ўзбекистондан кетишни ўйламаганман. Бугун шу кунларга етганимга шукр қиламан.

– **Мени ҳамиша бир савол қийнайди, нега қонунлар дастлаб рус тилида ёзилади?!**

– Бунда ҳуқуқшуносларимизнинг ҳам айби бор. Чунки кўпчилигимизнинг тилимиз бошқа тилда чиққан. Ўзбек тили бой тил эмас, деган ўй-фикрлар таъсирдан дидир балки?

Биз тилимизда қанча кўп гаплашсак, кўп китоб ўқисак, мутлаа қилсак, роҳатланми гапирсак, кўп ва ҳўб сўзласак, тил ҳам бойиб бораверади.

Инсоннинг ўз она тили бор экан, у ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди. Шундай экан, биз фақатгина 21 октябрда эмас, йил давомида тилимизни қадрлашимиз, унга нисбатан ҳўрматда бўлишимиз керак.

Ўйлайманки, миллат учун тил – бу ҳар бир инсоннинг ДНКси кабидир. ДНКси ўзгарган танада эса ҳар хил ўзгаришлар бўлади ва аста-секинлик билан тана ўз кучини йўқотади. Агар инсон тилини ўзгартирса, нафақат тил, балки миллат ҳам ҳалоқатга юз тутади.

– **Самийий сўхбат учун раҳмат.**

Мулоқотлар мундарижани янада бойитади

«ISHONCH»ДА НИМА ДЕЙШЯПТИ?»
— Юртимиз шиддат билан тараққиёт сари интилоқда. Ислоҳотлар ақлни шоширади, — дейди Гулистон давлат университети профессори Равшан Маҳмудов. — Газета саҳифаларида илғор фикрли кишилар муносабати тезкорлиги билан бериб борилишига ўрганиб қолдик. Янги қарор, қонун муҳокамага қўйилгудек бўлса, «Ishonch»да нима дейшяпти?» деб ўқишга шошадиган, сўроқлайдиган бўлди. Истагимиз, газета доимо турфа фикрлар учун очик майдон бўлиб қолсин!



Илҳом ХИШОНЧ олинган суратлар

МУШТАРИЙ МАНФААТИ УСТУВОР
— Таҳририятнинг сўнгги йилларда обуначилар манфаатини ўйлаб ички нархларда шартнома тақлиф қилиши, газета етказилиш ишларига ҳам ўзи бош-қош бўлиши, қолаверса, давомли мониторинг амалга оширилгани мушта-

рийлар манфаати устуворлигини таъминлаётир, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. — Қолаверса, таҳририятнинг сара материаллар жамланмаси сифатида «Бир йилга бир назар» тўплами чоп этилди. Газета энди шунчаки янгиликлар тасмаси

эмас, ўқишли материаллари шарофати туфайли асраб қўйиладиган нашрга айланди.
— Газета сайти ҳисобланган ishonch.uz жонланиб, тезкор матбуотлар тақдим қилинмоқда, — дейди «Сирдарё ҳақиқати» газе-

таси бўлим мудир Муҳаммадали Аҳмедов. — «Матбуот бонг уради» рунки билан республика газеталарида чоп этилган танқидий йўналишдаги мақолаларнинг ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилишини таҳририятнинг ўзбек матбуотида катта хизмати, кўмаги, деб баҳолайман. — Газета халқчил, берилган муро-

жаатларга «лаббай» дея жавоб бермоқда. Қўтарилган муаммога барчанинг эътиборини қаратмоқда, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон тумани кенгаши раиси Ўсаркул Усанов. — Айниқса, «Касаба уюшмаси аралашгач», «Ishonch»га жавоб берадилар», «Сўраган экансиз» рункларини катта қизиқиш билан кузатиб борамиз.

Юзма-юз мулоқотда таҳририят газетани яна ҳам ўқишли қилиб, мазмун-мундарижасини кенгайтириши, давр талабидан келиб чиқиб, ўқувчининг ахборотга талабини қондириши учун нималарга эътибор қаратиши кераклиги масаласида кўпдан-кўп таклифлар айтилди.

Иштирокчилар билан кечган жонли мулоқот якунида газетхонларга таҳририят жамоасининг «Бир йилга бир назар» тўплами ҳамда газетанинг махсус сони тақдим этилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Илҳом

Фармон ТОШЕВ,
«Зарафшон» газетаси
Бош муҳаррири

ИШОНЧ БИЛАН ЯШАНГ

Мушулотдан чекса озор дил агар,
Ҳақ сўз иза тортиб қийналса виждон —
«Ishonch»га суянинг, «Ishonch»га, дўстлар,
Бағри кендир унинг, қўллагай ҳар он.

Газетадан йироқ одамдан кўрқинг,
Кўрқинг муталоа қилмаганлардан.
Ахир, фарзанд қандай ибрат олмишдир
Илм-у маърифатни билмаганлардан?

Ишонч билан яшанг ҳаётда мудом,
Ҳақ сўзинг қиммати доим бебаҳо.
Керак бўлса, мана, мендурман қафил —
«Ishonch»га ишонган ютқазмас асло.



Ахшоб ГҲЯЯ олинган суратлар

Тилшуносликнинг долзарб масалалари

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганига 30 йил бўлди. Сўзга чиққанлар бу даврда унинг ҳаётга татбиқ этилишидаги ютуқ ва камчиликлар, ҳозирги ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб вазифалар, муаммолар, тилнинг миллат ривожидидаги ўрнига атрафлича тўхталишди. Атамашунослик соҳасидаги муаммолар ўз ечимини топиши, ўзлашма сўзларга оид қонун қоидалар қайта кўриб чиқиши, бир пайтлар киритилиб, ўзини оқламаган

истилоҳлар истеъмолдан олиб ташланиши, қадим манбалар чуқур ўрганилиб, улардаги сўзлардан фойдаланиш каби тавсиялар билдирилди.
— Қонунчилигимиз тили ҳам камчиликлардан холи эмас. Баъзан рус тилида қабул қилиниб, сўнг ўзбек тилига таржима қилганимиз учун услубий ғализликлар, ҳаддан ташқари узун жумлалар, маънонинг ноаниқ ва тушунарсизлиги, рус грамматикасига асосланганлик мавжуд. Хужжат тилини жиддий таҳрир ва ислоҳ қилиш керак, — деди

«Мустақиллик даврида ўзбек тили расмий иш услуби ва унинг тараққиёти масалалари» мавзусида маъруза қилган Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, филология фанлари доктори Шухрат Кўчимов.

Конференция шўьбаларга бўлинган ҳолда «Ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили вазилавий услубларининг тараққиёти», «Ўзбек тилшунослигининг назарий масалалари», «Ўзбек тили таълимнинг долзарб муаммолари» мувазуларида давом этди. Уларда республикамизнинг турли олий ўқув юртлири, академик лицейлардан келган тилшунос олимлар, илмий ходимлар, мутахассислар маъруза қилишди. Кўрилган масалалар, таклиф ва тавсиялар юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтди.

Иштирокчиларга конференция материалларидан қилинган тўплам тақдим этилди. Ундан «Давлат тили ҳақида»ги Қонун моддаларининг бажарилиши, замонвий ўзбек тилшунослиги назарий масалалари, ўзбек тили тарихи ҳамда ўзбек тили таълимига оид мақолалар ўрин олган. Ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили тараққиёти масалаларининг ёритилиши китобнинг нақадар илмий қийматга эгалигини белгилаб берган.

Ушбу конференция юқори савияда ўтди. Соҳадаги мавжуд камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш йўллари аниқ белгилаб олингани билан аҳамиятли бўлди.

Гулжаҳон НОРБОЕВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

Эълон

Аукцион савдолари хабарномаси

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти

чекланган жамияти мулкнинг бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдоларига «Агробанк» АТБ Марказий амалиёт бошқармасининг 15.10.2019 йилдаги № 22-11/393-сонли буюртмасига асосан банк ҳисобидида қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран алоҳида ЛОТ тартибда чиқарилмоқда:

1. 2012 йилда и/ч, д/р 01 951 GCA бўлган ISUZU SAZ NP 26 русумли (йўловчи ташувчи) автобус. **Бошлангич баҳоси — 121 654 654 сўм.**

2. 2012 йилда и/ч, д/р 01 948 GCA бўлган «ISUZU SAZ NP 26» русумли (йўловчи ташувчи) автобус. **Бошлангич баҳоси — 121 654 654 сўм.**

3. 2015 йилда и/ч, д/р 01 845 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. **Бошлангич баҳоси — 69 165 110 сўм.**

4. 2015 йилда и/ч, д/р 01 847 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. **Бошлангич баҳоси — 69 165 110 сўм.**

5. 2015 йилда и/ч, д/р 01 846 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. **Бошлангич баҳоси — 69 165 110 сўм.**

Очик аукцион савдолари 2019 йил 4

ноябрь куни соат 11:00 да ташкил қилинади.

Аукцион савдоси ғолиби бўлган талабгорлар томонидан аукцион ташкилотчисининг ҳисобрақамига мулк сотилиш нарҳининг 0,5 фоизи миқдорда комиссиясиз йиғини тўлаб беради.

Талабгорлар диққатига!
Аукцион савдоси 2019 йил 4 ноябрь куни бўлиб ўтмаган тақдирда тақдоран аукцион савдолари 2019 йил 12 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 4 ноябрь кундаги савдо учун 1 ноябрь, 12 ноябрь кундаги савдо учун 11 ноябрь кунига қадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

— «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 50 фоизи миқдоридида закатат пуллари тўлашлари;

— жисмоний шахслардан паспорт нусхаси,

— юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олдидан-соғди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Соғуви томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олдидан-соғди шартномаси тузилганда белгиланади.

Заказат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, х/р: 20208000500842710001, банк: АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МҲО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан банк ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел: (99) 862-16-71, E-mail: bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома № 576174

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT ХАЛҚ БАНКИ ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙДАГИ ЯНГИ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

XalqBanki

ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАР

Сертификатларнинг номинал қиймати (сўм)	Муомала муддати ва иллик устамма фоиз миқдори	181 кундан 365 кунгача	17,0 (қайта молиялаштириш ставкаси + 1,0) %
▶ 50 000 000 (эллик миллион)		366 кундан 730 кунгача	18,0 (қайта молиялаштириш ставкаси + 2,0) %
▶ 100 000 000 (бир юз миллион)		731 кундан 1095 кунгача	19,0 (қайта молиялаштириш ставкаси + 3,0) %
▶ 500 000 000 (беш юз миллион)			
▶ 1 000 000 000 (бир миллиард)			

335 донна
Сертификатлар сони

100 млрд.сўм
Чиқарилган ҳажми

Депозит сертификатларини Халқ банкнинг барча филиаллари орқали сотиб олиш мумкин.

Депозит сертификатлар буйича фоизлар ҳар ойнинг охирида санасида ва депозит сертификатини қайтариш санасида тўлаб берилади.

Жалб қилинган маблағларни қайтарилиши ва уларга ҳисобланган фоиз тўловларини ўз вақтида амалга оширилиши кафолатланади.

Акциядорлик тижорат Халқ банкнинг депозит сертификати — банкка қўйилган депозит суммасини ва юридик шахснинг (сертификат савлоқичининг) депозит суммасини ҳамда сертификатда шартлашланган фоизларни банкдан ёки банкнинг истаган филиалдан белгиланган муддат тўлаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи номиниссиявий қимматли қоғоздир.

(+998 78) 120 17 86, (0 378) 120 17 87 (+998 78) 120 17 87 www.xb.uz

Хизматлар лицензияланган

ЭЪЛОН

«ANGREN ELECTRICAL» МЧЖ ХК (2019 йил 17 октябрдаги 2-сонли баённома) ва «TIANRUN» МЧЖ ҚК таъсисчиларининг умумий йиғилишида «ANGREN ELECTRICAL» МЧЖ ХК «TIANRUN» МЧЖ ҚКга қўшилиётганили сабабли қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан «ANGREN ELECTRICAL» МЧЖ ХКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари «TIANRUN» МЧЖ ҚК ҳисобига ўтди.
«ANGREN ELECTRICAL» МЧЖ ХК ва «TIANRUN» МЧЖ ҚКнинг кредиторлари ўз талабномаларини қуйидаги манзилга топширишлари мумкин: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Сановат зонаси ёки Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 6-уй.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

ТЕН 2019-1009

477231650004

Бош муҳаррир
Хўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тахлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилмиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бўжоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмажонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусоҳиҳ:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуқалилов

ЎЗА якуни — **00:25**
Топширилди — **02:10**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 ёзма табэк. Буюртна Г-1017.
27692 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5